



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 3 май, № 91 (7321) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 май куни Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва саноат вазири Суҳайл бин Муҳаммад ал-Мазруий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Араб Амирликларининг қатор вазирилик ва идоралари, етакчи инвестиция, молия, логистика, қурилиш ва бошқа компаниялари раҳбарларидан иборат нуфузли делегацияни самимий қутлади.

Нахаён, Абу-Дабӣ Амирлиги валиаҳди, БАА Куролли Кучлари Олий Бош Қўмондонни ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Нахаён ва БАА Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумнинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

юқори даражадаги делегациялар алмашинуви эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни амалга оширишнинг аниқ йўналишлари ва биринчи галдаги чора-тадбирларни белгилаб олиш имконини бергани таъкидланди.

лакатимиз ҳудудларида инфраструктурани ривожлантириш ва бошқа қўшма ташаббусларни амалга ошириш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Мехмонлар Ўзбекистондаги давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган кенг қўламли ислохотларни, шунингдек, ҳамкорлик учун мавжуд катта имкониятларни юксак баҳоладилар.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 май куни Марказий Осиёда гиёҳванд моддаларни назорат қилиш соҳасидаги минтақавий ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми иштирокчи давлатларнинг 11-мажлисида қатнашиш доирасида мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон — Россия стратегик муносабатлари юқори суръатларда ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 май куни хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, экспортбон маҳсулотларни кўпайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Саноат барча иқтисодий тармоқларини жадал ривожлантиришга хизмат қилади. Кейинги йилларда бу соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, юқори технологияли заводлар, технопарклар, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

«ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР» ДАСТУРИ ИЖРОСИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2 май куни «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури ижросини таъминлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишлар таҳлили бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, 2018 йил 7 июнда Президент қарори билан «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури қабул қилинган ва унда барча таъкилий, молиявий чоралар белгилаб берилган эди.

Ушбу қарорга мувофиқ, мақсадли жамғармалардан қўшимча 5 триллион сўм маблағ йўналтирилди.

Йиғилишда ушбу маблағларни ўзлаштириш қониқарсиз экани ёки ўз ҳолига ташлаб қўйилгани таъкидланди.

ойларида тикувчилик, хунармандчилик, паррандачилик, баллиқчилик, асарчиликни ривожлантириш, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш, машиий хизматларни йўлга қўйиш учун йиллик маблағларнинг 19 фоизи ажратилган, холос.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАЛАБ ЮҚОРИ БЎЛГАН МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Маҳаллий ва хорижий бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун саноатда кооперация алоқаларини ривожлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш мамлакатимиз иқтисодийтини жадал ривожлантиришнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади.

Ички бозордаги эҳтиёжлар ҳажмларининг таҳлили давлат томонидан қўлаб-қувватлашнинг самарали механизмларини амалга ошириш орқали саноат кооперациясини ва талаб юқори бўлган товарларнинг алоҳида турларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

порталнинг фаолиятини ташкил этиш, унда саноат маҳсулотлари отка-зиб бериш бўйича хўжалик шартномаларини (контрактларни) тезкорлик билан масофадан тузиш имкониятини тақдим қилиш;

технопарклар ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, давлат харидлари тизими орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун барқарор талабни шакллантиришни назарда тутадиган давлат томонидан қўлаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

(Давоми 3-бетда).

(Давоми 3-бетда).

(Давоми 3-бетда).

(Давоми 3-бетда).

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАЛАБ ЮҚОРИ БЎЛГАН МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Белгилаб қўйилсинки, Рўйхат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра ҳар ярим йилда камидан бир марта қўйдаги тақлифлар асосида янгиланади: республика минтақаларининг табиий, минерал-хом ашё, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳияти, тегишли инфратузилмаси, импорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмлари, таркиби ва номенклатураси, шунингдек, ишга туширилаётган йирик ишлаб чиқариш қувватларининг истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг тақлифлари;

ташқи бозорлар конъюнктурасига мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг тақлифлари;

инновацион гоғлар, ишланмалар ва технологиялар, шу жумладан, ҳар йили ўтказиладиган Халқаро инновация ярмаркаси давомида тақдим этилган инновацион гоғлар асосида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг тақлифлари;

монополашув ва рақобат муҳитини ривожлантириш, ўзаро бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи товлар ва нарх омиллини инноватга олган ҳолда ички бозорнинг товлар билан тўйинганлиги даражасини баҳолаш асосида Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг тақлифлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда Рўйхатга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун, шу жумладан, Тўридан-тўри инвестициялар жамғармаси иштирокида инвестицияларни жалб этиш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг қўйдагиларини назарда тутувчи иқтисодиётда талаб юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш тизимини эксперимент тарихида жорий этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин:

а) фойдаланилмаётган шунингдек, технопаркларни қўриш; б) аввало, Рўйхат бўйича янги маҳсулот турларини тайёрловчи ишлаб чиқаришларни жойлаштирилган ҳолда "Тошкент механика заводи" АЖнинг фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва ҳудуди негизида технопарк ташкил этиш;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан лойиҳани амалга ошириш учун олинган кредитнинг 50 фоиздан кўп бўлмаган микдорига кафилик берилиши; б) Рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини 5 фоизгача қоллаш шаклида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини амалга ошириш.

5. "Тошкент механика заводи" АЖнинг фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва ҳудуди негизида технопарк ташкил этишнинг молиялаштириш мабзалари этиб 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурида эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида зарур инфратузилмани барпо этиш учун назарда тутилган 50 миллиард сўм микдоридagi марказлашган мабзалар белгилансин.

6. Мавжуд ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва саноат маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича комиссиянинг (кейинги ўринларда — Комиссия) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Комиссиянинг ишчи органи этиб Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги белгилансин.

7. Комиссияга (Б. А. Ходжаев): талаб юқори бўлган маҳсулотлар, шу жумладан, истеъмол товларининг рўйхатини, мавжуд ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш механизмларини белгилаш, улар асосида ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳаларини ҳар йили тасдиқланадиган манзилли рўйхатларга киритиш;

Рўйхатда кўрсатилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришнинг ўз вақтида амалга ошириш бўйича таъсирчан чоралар кўрган ҳолда, ушбу жараёнларни мониторинг ва назорат қилиш, шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватлашни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

8. 2019 йил 1 июлдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) маҳаллий етказиб берувчиларнинг иштироки ва нарх шаклланишида шаффоқлиқни таъминлаш учун давлат буюртмачилари томонидан импорт товларини харид қилиш тўғрисидаги истаklar давлат харидлари махсус ахборот порталида ҳам жойлаштирилади;

б) уч ёки ундан ортиқ иштирокчилар — маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлган тақдирда давлат харидлари буюртмачилинг танловига кўра маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида амалга оширилиши мумкин;

в) буюртмачиларга Рўйхатдаги маҳсулотларни харид қилишда инвесторга, сифат бўйича, келишилган техник ва нарх кўрсаткичларига амал қилиш шарти билан, етказиб бериш вақтидан бошлаб икки йил давомида маҳсулотнинг давлат харидлари тизими орқали сотиб олинишига кафолат тақдим этилуви махсус контрактларни танлов тартиб-таомиллари орқали тузиш ҳуқуқи берилди.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Давлат статистика қўмитаси, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, "Ўзбекистон республика товлар-хомашё биржаси" АЖ билан биргаликда олти ой мuddатда давлат харидлари махсус ахборот портали билан интеграциялашган электрон кооперация порталини ишлаб чиқсин ва уни қўллаб-қувватлашни таъминласин. Унда қўйидаги имкониятлар назарда тутилсин:

а) бир неча мезонлар ва кўрсаткичлар бўйича излаш имкониятига эга бўлган, мунтазам янгилаб бориладиган ҳамда қўйдагиларни тўғрисидаги маълумотларни қамраб олувчи маълумотлар базасини шакллантириш ва янгилаштириш;

б) маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси, унинг техник ва нарх кўрсаткичлари, шунингдек, саноат кооперациясини ўрнатish бўйича тақлифларни акс эттирган ҳолда, ушбу корхоналар тўғрисида;

давлат ва корпоратив буюртмачилар, шунингдек, стратегик харидорлар эҳтиёжларини қондириш мақсадида келгуси давр учун харид режалари ва режа-графиклар тўғрисида; маҳаллий корхоналар негизида ишлаб чиқариш тавсия этилаётган ўзлаштирилиши истиқболли маҳсулот турлари тўғрисида;

б) корхоналар томонидан керакли шакллар онлайн режимида мустақил тўлдирилиши орқали маҳаллий корхоналар учун ахборотни маълумотлар базасига бепул киритиш имконияти; в) корхоналар, етказиб берувчилар ва давлат органлари ўртасида интерактив ҳамкорлик қилиш имконияти; г) порталнинг статистика, боғжона, солиқ ва молия органларининг маълумотлар базалари билан интеграциялашганлиги.

Белгилаб қўйилсинки, Рўйхат электрон кооперация порталида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг расмий веб-сайтида бепул асосда мажбурий равишда эълон қилинади.

10. Қўйдагилар электрон кооперация порталига тегишли ахборотлар тўғри ва ҳаққоний киритилиши ва уни ўз вақтида янгилаб берилиши учун масъул этиб белгилансин:

республикада ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг ҳамми ва техник параметрлари юзасидан — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, "Ўзстандарт" агентлигининг ҳудудий бўлинмалари; саноат маҳсулотлари импорти юзасидан — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Давлат боғжона қўмитаси;

келгуси давр учун давлат харидларининг режа-графиклари ва давлат харидларининг ўтган йилдаги амалдаги ҳамми юзасидан — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, устас фонди (капитали)даги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар;

маҳаллий корхоналар негизида ишлаб чиқариш тавсия этилаётган ўзлаштирилиши истиқболли маҳсулот турлари юзасидан — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги: ушбу қарорнинг 10-бандида кўрсатилган маълумотларнинг электрон кооперация порталига ўз вақтида ва тўлиқ киритилиши устидан назоратни таъминласин;

бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Саноат ярмаркаларини ва электрон кооперация портали фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқласин;

икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат боғжона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, "Ўзстандарт" агентлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда электрон кооперация порталига киритиладиган, шу жумладан, республикада ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектлар активлари учун импорт қилинадиган РИТФ ТН коди 10 та белгидан иборат) маҳсулотларнинг ҳамми ва техник параметрлари тўғрисидаги маълумотларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

12. Қўйдагиларга: иқтисодиёт ва саноат вазири Б. А. Ходжаевга — саноат соҳасидаги ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтириш, Рўйхатга киритилган тайёр

маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнини мувофиқлаштириш, шунингдек, электрон кооперация порталининг фаолият қўрсатиши, иқтисодиётда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш бўйича экспериментни самарали амалга ошириш юзасидан; инвестициялар ва ташқи савдо вазири С. У. Умурзоқовга — инвесторларни излаш ва уларни эркин иқтисодий зоналарга жойлаштириш, биринчи навбатда, Рўйхатга киритилган маҳсулотларни ўзлаштириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, иқтисодиётда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш юзасидан;

"Ўзбекистон республика товлар-хомашё биржаси" АЖ раиси Ф. Ф. Ибрагимовга — электрон кооперация порталини яратиш ва унинг давлат харидлари махсус ахборот портали билан интеграциялашувини таъминлаш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А. И. Икромовга — республикада ишлаб чиқарилаётган товлар, ишлар ва хизматларнинг саноат ярмаркасини ташкил этиш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг харид фаолиятига жалб қилиш, харид қилиш операцияларининг доимий равишда янги ташкил этилаётган электрон кооперация портали орқали ўтказилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телеардиокомпанияси ушбу қарорнинг моҳияти ва қондалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги:

бир ой мuddатда "Тошкент механика заводи" АЖнинг фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва ҳудуди негизида технопарк фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ҳўкумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой мuddатда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, шунингдек, манфаатдор вазирлик ва идоралар, ҳўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда мавжуд ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва талаб юқори бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича "Йул харита" ларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

уч ой мuddатда "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунга харид қилиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш, уларнинг шаффоқлигини оширишни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш бўйича тақлифларни киритсин;

икки ой мuddатда қонун ҳўжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

бир ой мuddатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳўкуқий ҳўжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчисининг ўринбосари Г. К. Саидова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2019 йил 1 май

САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинаётган саноат маҳсулотларини солиштирилган ҳолда эҳтиёжни ҳисоб-китоб қилиш тизимли олиб борилаётганини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўйидаги тақлифларни киритиш бўйича топшириқлар берилди.

Саноат ривожиди тармоқларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳим омил ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 май-

даги "Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, маҳаллий саноат ишлаб чиқарувчиларни давлат қўриқлари орқали қўллаб-қувватлаш механизми жорий этилмоқда.

Яна бир муҳим масала борки, бу саноат товларини етказиб бериш билан боғлиқ. Юртимизда маҳсулотлар таннархида транспорт харажатлари ҳали-ҳануз юқори. Дунёда ушбу кўрсаткич 8-9 фоиздан ошмайди. Шунингдек, маҳсулотларни

сертификатлаш ҳам экспортда жуда муҳим омил.

Шундан келиб чиқиб, транспорт хизматлари нархини камайтириш, маҳсулотларни ташқи бозордаги техник сифат талабларига уйғунлаштириш бўйича қўриқлар берилди. Ишлаб чиқариш ва сертификатлаш соҳалари мутахассислари малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

У.А.

«ҲАР БИР ОИЛА — ТАДБИРКОР» ДАСТУРИ ИЖРОСИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Бу рақамлар тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, пул ажратиш учун масъул бўлган раҳбарлар йил якунини қўйиб ўтирганидан далолат беради, — деди Шавкат Мирзиёев. — Оқибатда аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, бандлигини таъминлаш, оилаларнинг моддий фаровонлигини яхшилаш кеҳимокда.

Кредитлар ажратиш ва ўзлаштиришни жаддалаштириш, секторлар раҳбарлари, тижорат банклари ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги масъулиятини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Кам таъминланган оилаларга алоҳида эътибор берган ҳолда уларни тадбиркорликка ўргатиш талаб даражасида эмаслиги қўйиб қўйилди.

Йилгилишда Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини таҳлил қилиниб, уларга юклатилган вазифалар — бундан тўғри майдонларни қўллаш ҳўжалик маҳсулотлари етказириш, биноларни ишлаб чиқариш ва хизматларни йўлга қўйиш учун тадбиркорларга ажратиш ишлари етарли даражада ташкил этилмагани кўрсатиб ўтилди.

"Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури ижроси жойларда мутлақо қондорсиз ташкил этилгани учун Республика комиссияси раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда Марказий банк ҳудудий бошқармалари раҳбарлари оғохлантирилди.

Видеоселектор йилгилишда мазкур дастур ижросини сифатли таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Дастур ижросини жойларда таъминлаш учун ҳар бир ҳудудга бевосита республикадан маҳсулотлар бериқрилиши. Улар вилоят ва туманларга шахсан бориб, ишлар ҳолатини жойида ўрганади. Туртта сектор раҳбарлари билан дастурни сифатли амалга ошириш чораларини кўради.

Илтибай кредитларга эҳтиёжни аниқлаш бўйича уйма-уй юриш тизими йўлга қўйилди. Бунга иқтисодий комплекс ҳодимлари билан бирга Халқ қўллаш хоналарининг жойлардаги ҳодимлари, маҳалла

раислари, хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи ва касабга уюшмалари вакиллари жалб этилади. Президентимиз сарфланган маблағ яқин самара бериши, оилаларга фаровонлик олиб кириши учун уни мақсадли ажратиш зарурлигини таъкидлади. Шу боис жойлардаги секторлар раҳбарлари мурожаат қилган ҳар бир тадбиркорга рўйхат асосида кредит ажратилиши ва мақсадли фойдаланилиши учун масъул бўлади. Вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари ҳамда солиқ идоралари раҳбарлари дастур доирасидаги товларнинг ўз мuddатиди ва сифатли етказиб берилишига қўмақлашади.

Тадбиркорликни ривожлантиришда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари, анъанавий хўнарамдлик йўналишларини инобатга олиш ҳам муҳим. Мисол учун, Риштон туманида кулоллик, Марғилонда ипақчилик, Чустда дўпдўпчилик ва пичоқчилик, Олтиариқда боғдорчилик ва узумчилик йўналишлари учун замин бор. Шу каби имкониятлардан фойдаланиб, "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида тадбиркорликни ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

Ўз бизнесини йўлга қўйиш истаги кўпчилиқда бор. Лекин бунинг учун зарур ускунани қаердан олишни ҳамма ҳам билавермайдди. Шу боис йилгилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ҳар бир ҳудудда доимий ишловчи минитехнологиялар кўргазмаларини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлат ветеринари қўмитасига зотли чорва молларини олиб келиш ва аҳолига етказиб бериш вазифаси топширилди.

Оммавий ахборот воситалари орқали оилавий тадбиркорликни тартиб қилиш, муваффақиятли тадбиркорлар фаолиятини ёритиш, секторлар ва маҳаллаларда семинарлар ўтказиш лозимлиги қўйиб қўйилди.

Мутасаддилар қилинадиган ишар юзасидан "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури ижроси ва йилгилишда қўйиб қўйилган вазифалар бўйича ахборот берди.

У.А.

Бугун Тошкентда Олий Маҳлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси очилиди.

Аввал хабар қилинганидек, Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибидан аҳоли манфаатларини кафолатлаш, суд-ҳўқуқ ҳамда иқтисодий соҳалардаги муносабатларни ҳўқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид бир қатор қонунлар ҳамда тегишли вазифалар ва идораларнинг ўтган йилдаги фаолиятига оид ҳисоботлар ўрин олган. Шунингдек, ялпи мажлисда Ҳўкуматга Юриданги парламент сўрови натижалари муҳокама қилиниши баробарда, Вазирлар Маҳкамасига тегишли масала юзасидан парламент сўрови юборилиши қўйилмоқда.

Мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлиги — устувор мақсад

Умумий жиноятчилик қай даражада камайди? Бугун сенаторлар ишни қонунларни кўриб чиқишдан бошлади. Албатта, ундан аввалроқ барча қўми-ларда кун тартибидagi масалалар, хусусан, Бош прокурорнинг прокуратура органларининг 2018 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи кўриб чиқилди.

Утган йилда асосий эътибор ҳўқуқбузарлик ва жиноятларнинг оқибатлари билан курашишга эмас, балки уларнинг тўқ сабабларини аниқлаб, мавжуд тизимли камчилик-

ларни баргараф этиш, аҳолини қийнаб келаятган муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган.

Эътиборимизни тортган томони — Бош прокуратура Академиясида жиноятларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганиш маркази тузилгани бўлди. Унинг фаолиятига маҳаллий мутахассислар билан бир қаторда, қўллаб ҳоржий экспертлар жалб этилиб, маҳаллалар кесимида жиноятлар сони ва турини таҳлил қилиш имконини берувчи электрон геонформацион хариталар жорий қилинмоқда. Бу эса жиноятларни ҳисобга олишда инсон омилини ис-

тисно қилувчи ҳамда қатор вази-фаларни инновацион йўл билан ҳал этиш имконини берувчи "Электрон жиной-ҳўқуқий статистика" ахборот тизимини қўллашга шароит яратмоқда.

Энг муҳими, бу даврда умумий жиноятчилик 33,5 фоиз камайишига эришилгани аҳамиятга молик.

Сенаторлар ялпи мажлисда аҳоли ҳўқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги айрим масалаларга аниқлик киритишни ҳам мақсад қилиш-

Холиджон КОМИЛОВ; Олий Маҳлис Сенати аъзоси.

Муаммоларни ҳал этишда маҳаллий Кенгашларга ҳалал бераётган масалалар бор

Кун тартибидagi масалалардан бири — Тошкент вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи қўмитамизда дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Таҳлиллар шунини кўрсатдики, вилоятни комплекс ривожлантириш ва бу жа-

раёнга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари салоҳиятини жалб этиш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Шундай бўлса-да, мазкур вилоятда ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатаётган

қўллаб муаммо ва камчиликлар ҳам аниқланди.

Айниқса, айрим вазирлик ва марказий идораларнинг вилоятдаги мавжуд муаммолар ечимига комплекс ёндашмаётгани, уларни ҳал этиш бўйича маҳаллий ҳжимликларнинг ташаббуслари, тақлифлари, аҳолининг хоҳиш-истаклари етарли даражада инобатга олинмаётгани

қўйиб қўйилди. Бу эса жиноятларни ҳисобга олишда инсон омилини ис-

тисно қилувчи ҳамда қатор вази-фаларни инновацион йўл билан ҳал этиш имконини берувчи "Электрон жиной-ҳўқуқий статистика" ахборот тизимини қўллашга шароит яратмоқда.

Энг муҳими, бу даврда умумий жиноятчилик 33,5 фоиз камайишига эришилгани аҳамиятга молик.

Сенаторлар ялпи мажлисда аҳоли ҳўқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги айрим масалаларга аниқлик киритишни ҳам мақсад қилиш-

Холиджон КОМИЛОВ; Олий Маҳлис Сенати аъзоси.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

ФУҚАРО МУҲОФЗАСИ СОҲАСИДА ИЛМИЙ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Парламент юқори

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

•244-модда. Учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш

Учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш, — уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Уша ҳаракатлар: а) такоран ёки хавфли рецидивист томонидан; б) шахнинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб; в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб содир этилган бўлса; г) баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, — уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Уша ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса, — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Уша ҳаракатлар: а) одамлар ўлимига; б) халокатга; в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, — саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни содир этган шахс, агар у учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини ўз ихтиёри билан топширса, жавобгарликдан озод қилинади; 2) қуйидаги мазмундаги 248¹-модда билан тўлдирилсин:

•248¹-модда. Учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш

Учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш, улардан фойдаланиш ёки уларни бошқа шахсларга бериш тартибини бузиш, шунингдек улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, — уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Уша ҳаракатлар: а) такоран ёки хавфли рецидивист томонидан; б) мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан; в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб содир этилган бўлса; г) баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, — уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Уша ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса, — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Уша ҳаракатлар: а) одамлар ўлимига; б) халокатга; в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, — саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади; 3) 260¹-модданинг биринчи қисми диспозициясидаги «шу жумладан учувчисиз учадиган аппаратлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш» деган сўзлар («бундан самовий ҳудудда учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш ҳоллари мустасно») деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 345-модданинг бешинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жиноят кодексининг 104-моддасида, 105-моддаси иккинчи қисмида, 106, 107-моддаларида, 110-моддаси иккинчи қисмида, 113-моддаси учинчи — бешинчи қисмларида, 114-моддаси учинчи қисмида, 117-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 118, 119-моддаларида, 121-моддаси иккинчи қисмида, 124-моддасида, 127-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 127¹-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 128-моддаси иккинчи қисмида, 129-моддаси иккинчи қисмида, 131-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида, 133-моддаси иккинчи қисмида, 134, 135, 137-моддаларида, 138-моддаси иккинчи қисмида, 164-166-моддаларида, 168-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 169-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларида, 171-моддаси учинчи қисмида, 173-моддаси учинчи қисмида, 186¹-моддасида, 186²-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 193-204-моддаларида, 213-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида, 214-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида, 216, 217, 222-моддаларида, 225-моддаси учинчи қисмида, 226-моддаси иккинчи қисмида, 228-моддаси иккинчи қисмида, 243-244¹-моддаларида, 244²-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларида, 245, 247, 248-моддаларида, 248¹-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларида, 249, 250-моддаларида, 250¹-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларида, 251-255¹-моддаларида, 255²-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларида, 256-258-моддаларида, 259-моддаси иккинчи қисмида, 260-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 260¹-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида,

262-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 263-моддасида, 263¹-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 264-моддасида, 266-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 267-моддасида, 268-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 269-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 270-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 271, 273-моддаларида, 274-моддаси иккинчи қисмида, 275-моддасида, 276-моддаси иккинчи қисмида, 277-моддаси учинчи қисмида, 278-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларида, 278¹-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек вояга етмаганлар содир этган жиноятларга доир барча ишлар бўйича дастлабки тергов ички ишлар органларининг терговчилари томонидан олиб борилади»;

2) 381¹-модда: биринчи қисмининг: 1-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) ички ишлар органларининг — Жиноят кодексининг 105-моддаси биринчи қисмида, 109-моддасида, 110-моддаси биринчи қисмида, 111, 112-моддаларида, 113-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 114-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 115-моддасида, 117-моддаси биринчи қисмида, 120-моддасида, 121-моддаси биринчи қисмида, 125, 126-моддаларида, 127-моддаси биринчи қисмида, 127¹-моддаси биринчи қисмида, 128-моддаси биринчи қисмида, 129-моддаси биринчи қисмида, 131-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 132-моддасида, 133-моддаси биринчи қисмида, 136-моддасида, 138-моддаси биринчи қисмида, 139, 140-моддаларида, 168-моддаси биринчи қисмида, 169-моддаси биринчи қисмида, 170-моддасида, 171-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 172-моддасида, 173-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 185-185¹-моддаларида, 186¹-моддаси биринчи қисмида, 213-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 214-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 224-моддасида, 225-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 226-моддаси биринчи қисмида, 227-моддасида, 228-моддаси биринчи ва учинчи қисмларида, 228¹-229¹-моддаларида, 244¹-моддаси биринчи қисмида (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятлардан ташқари), 248¹-моддаси биринчи қисмида, 250¹-моддаси биринчи қисмида (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятлардан ташқари), 255¹-моддаси биринчи қисмида, 259-моддаси биринчи қисмида, 260-моддаси биринчи қисмида, 260¹-моддаси биринчи қисмида, 261-моддасида, 262-моддаси биринчи қисмида, 263¹-моддаси биринчи қисмида, 266-моддаси биринчи қисмида, 268-моддаси биринчи қисмида, 269-моддаси биринчи қисмида, 270-моддаси биринчи қисмида, 274-моддаси биринчи қисмида, 276-моддаси биринчи қисмида, 277-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 278-моддаси биринчи ва учинчи қисмларида, 278¹-278²-моддаларида, 278³-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича»;

4-банди «243¹-моддасида» деган сўзлардан кейин «244¹-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9, 165-модда, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 95-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 99-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишлари бажарилаётганда талабларни бузиш, шунингдек қурилиш соҳасида назорат қилиш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияларининг кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик (бундан яқка тартибдаги уй-жой қурилиш объекти мустасно), — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бинокорлик материалларини, конструкцияларини ва буюмларини ишлаб чиқаришда техник регламентлар талабларини бузиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиши, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қурилиш тугалланган бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш қоидаларини, аҳоли пунктларининг ва аҳоли пунктларида ҳудуднинг бош режаларини, уларни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларини, маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларни реконструкция қилиш режаларини бузиш, даҳаларни, мавзеларни ва шахрларнинг саннат зоналарини, қишлоқ аҳоли пунктларини қуриш ва ободонлаштириш сифатини, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг архитектура ечимларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиши, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — қирқ бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Объектларни давлат экспертизасининг лойиҳа-смета ҳужжатларига, шу жумладан иш ҳужжатларига доир ижобий хулосасисиз, шунингдек қурилиш соҳасида назорат қилиш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияларининг рухсатномасисиз қуриш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — эллик бараваридан етмиш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиши, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан қирқ бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуришга, реконструкция қилишга ва капитал таъмирлашга тақиқлар (чекловлар) белгиланган зоналарда шундай ишларни амалга ошириш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан бир юз эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ўз ҳудудида туташ ва туташ бўлмаган ер майдонларида қурилиш ишларини амалга ошириш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан бир юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг ўнинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиши, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади; 2) 107-модда:

биринчи қисмининг санкциясидаги «учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача» деган сўзлар «бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача» деган сўзлар «бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 108-модда: санкциясидаги «иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар «икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин: «Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) 116¹-модданинг диспозициясидаги «шу жумладан учувчисиз учадиган аппаратлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш» деган сўзлар («бундан самовий ҳудудда учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш ҳоллари мустасно») деган сўзлар билан алмаштирилсин; 5) 135-модда биринчи қисмининг диспозицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари, транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги, шунингдек транспорт воситасида эгаллик этиши, эгаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари, транспорт воситалари эгалларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта полиси (ушбу Кодекс 135¹-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно), қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса лицензия картчаси ёки йўл варақаси, юридик шахсларнинг транспорт воситалари ҳайдовчиларининг, шу жумладан йўловчи ёки юк ташиш фаолиятини амалга оширувчи ҳайдовчиларнинг малака оширишдан ўтганини тўғрисидаги сертификат (транспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ва ижарага бериш шартномаларини рўйхатдан ўтказмасдан (ҳисобга қўймасдан) транспорт воситаларини бошқариш; 6) 177-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«177-модда. Ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш

Ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки адаштириб юбориш даражасида улар билан ўхшаш бўлган белгилардан шу турдаги товарларга (хизматларга) нисбатан қонунга хилоф

равишда фойдаланиш ёхуд ўзганинг фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади; 7) қуйидаги мазмундаги 177¹ ва 177²-моддалар билан тўлдирилсин:

•177¹-модда. Муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш

Асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, худди шунингдек асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини такрорлаш, тарқатиш, барчанинг эътиборига етказиш ёхуд асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг нусхаларида уларнинг тайёрловчилари ҳақида, уларни ишлаб чиқариш жойлари тўғрисида, шунингдек муаллифлик ҳуқуқининг ва турдош ҳуқуқларнинг эгалари ҳақида ёлгон ахборотни кўрсатиш, — асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини, шунингдек уларни такрорлаш ҳамда тарқатиш учун фойдаланиладиган материаллар ва ускуналарни ҳамда бошқа ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини, шунингдек уларни такрорлаш ҳамда тарқатиш учун фойдаланиладиган материаллар ва ускуналарни ҳамда бошқа ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса —

АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР УЧРАШУВИ

Гиёвандлик нафақат унга чалинган одам ёки у мансуб жамият, балки бутун инсониятнинг глобал муаммосига айланган улгурган. Унинг "аср вабоси", дея таърифланиши ҳам шундан далолатдир.

Анжуман

БМТ маълумотига кўра, Марказий Осиё давлатлари ҳудудидан кўшни Афғонистонда етиштирилган наркотик моддаларнинг катта қисми транзит равишида олиб ўтилади. Бу эса нафақат минтақа, айтиш мумкин афғонистонда барча мамлакатларда ҳаётга салбий таъсир кўрсатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда, юртимизда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, унга қарши самарали кураш чоралари кўриб келинган. Масалан, наркотик моддалар гайриқонуний айланishi, унинг сунистеомолига қарши курашиш борасида ҳамкор давлатлар билан биргаликда салмоқли ишлар олиб борилаётди.

ниб, истиқболдаги долзарб вазифалар белгилаб олинмоқда. Айни чоғда гиёвандлик моддалари савдоси устидан назоратни кучайтириш борасида Марказий Осиёда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари ҳам кенг муҳокама қилинган.

Григорий КАРАСИН,
Россия Федерацияси элчихонаси вазири ўринбосари.

Қайд этилганидек, мазкур учрашув гиёвандлик моддалари савдоси, унинг ноқонуний айланishi ҳамда турли таҳдидларга қарши биргаликдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, ўзаро манфаатли чора-тадбирни ишлаб чиқиш имконини беради. Шунингдек, делегациялар аъзолари трансмиллий жиноятчилик, гиёвандлик моддалари савдосига

қарши курашишдаги миллий саъй-ҳаракатлар бўйича маълумотлар алмашди. Минтақада гиёвандлик моддалари тарқалиши ва транзит қилинишига барҳам беришга қаратилган кўшма чора-тадбирларни кучайтириш юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Яқин кўшимчи — Афғонистонда наркотрафик кучайиб бораётгани, янги гиёвандлик моддалари пайдо бўлаётгани ва уларнинг тарқалиши доираси тобора кенгайиб бораётгани бугунги кунда ўткир муаммолардан биридир. — дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг халқаро бўлими бошлиги Азизбек Эркабов. — Учрашув доирасида Англашув меморандумига аъзо давлатлар ҳуқуқ-тартибот органлари, халқаро таъкилотлар вақиллари ва чет эллик экспертлар иштирокисда шу масала атрофида кўриб чиқилмоқда. Бу эса ҳамкор давлатларнинг наркотрафикка қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришга

янгича сурбат бериши.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик қўроғида

КўП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРНИ БОШҚАРИШ ЯНГИ ҚОНУН БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

2019 йил 2 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Мажлисида депутатлар дастлаб «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қайд этилганидек, «Фаол тадбиркорлик, инновацион соҳалар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастурининг 29-банди ижросини таъминлашга қаратилган мазкур лойиҳа билан Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари ва функциялари, шунингдек, уларни амалга ошириш механизми, палата раиси, унинг ўринбосарларининг вазифалари, Ҳисоб палатаси аъзолари шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилмоқда.

Шунингдек, лойиҳада Ҳисоб палатасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида палата томонидан давлат органлари ҳамда бошқа таъкилотлар ўртасида маълумотлар алмашинуви, шу жумладан, электрон шаклдаги маълумотлар алмашинуви тўғрисидаги ўзаро ҳамкорлик тартиби баён этилган. Бундан ташқари, давлатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида лойиҳада Ҳисоб палатасига бюджет ва смета-шпалитинг мувофиқлиги бўйича ағъдор билан масъул шахсларни белгилаш тартибида маълумоти жаъвобарликка тортишни сўраб, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилмоқда.

Халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, Ҳисоб палатаси фаолиятини, шунингдек, палата томонидан амалга оширилаётган таъкилотларнинг ахборот аудит ва молиявий назоратни йўлга қўйиш мақсадида Ҳисоб палатаси стандартларини белгилаш тақдир қилинмоқда. Депутатларнинг фикрича, ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини янада такомиллаштириш борасида унинг функциялари қонуний асосда амалга оширилишига олиб келади. Мажлисида, шунингдек, пул-кредит сисъатини либераллаштириш, соҳа фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмига таъминлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Жумладан, «Валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳозир амал қилиб турган қонундан тубдан фарқланади, амалда у-қрайдиган деярли барча валюта операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

асосий инфляция ҳолатларининг олдини олишга қаратилган.

Депутатларнинг қайд этилишича, ушбу лойиҳаларнинг қабул қилиниши валюта операцияларини амалга оширишда резидентлар ва норезидентларнинг чет эл валютасидаги маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини эркин чикаришга, миллий валютанинг қарқарорлигини таъминлашга ва хизмат қилади. Мамлакатимиз иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, валюта операцияларини тартибга солиш мустаҳкам қонунчилик базасини шакллантиришга аъмин яради. Шунингдек, Марказий банкнинг пул-кредит сисъатини амалга оширишда замонaviй механизмлар қўлланилиши, теҳорат банкларининг бошқарув ва тавақалчилик-менеджмент сифатига таъсир қилиши механизмига таъминлаштиришга, банк тизимидagi маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш самарадорлигини оширишга, инновацион технологиялардан кенг фойдаланиши таъминлашга қўмақлашади.

Йиғилишда яна бир масала — «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг биринчи ўқишдаги муҳокама ҳам баъх-мунозараларга бой бўлди.

Маълумки, мамлакатимизда кўп квартирали уйлар уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан бошқарилади. Бугунги кунгача улар фаолиятини тартибга солиш қонунларининг амалий ижросини ўрганишлар шунки қўрсатдики, кўп квартирали уйларни бошқариш доир муносабатларни ширкатлардан ташқари бошқа тузилмалар ҳам турли усуллар

орқали бошқариши, айнан шундай аралашуларга чек қўйиш масаласида қонун ҳужжатларида камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Шу муносабат билан кўп квартирали уйлар бошқарувига мутасаддилик қилиш фаолиятини тартибга солиш назарда туғувчи аниқ қондалардан иборат ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга қарор қилинди. Лойиҳа билан кўп квартирали уйлардаги умумий мол-мулкни бошқариш муносабатларини тартибга солиш, бошқарув шакллари, бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари белгиламоқда. Уларни тузиш, фаолият юритиш, шунингдек, давлат бошқаруви ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларини тартибга солиш назарда тутилмоқда.

Депутатлар қизгин кечган муҳокамадан, савол-жавоблар чоғида мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳанинг ҳуқуқий асосларини халқаро таъкилотлар асосида янада мустаҳкамлаш, энг мумкин, аҳоли учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратишга хизмат қилиши кайд этилди.

Мажлисида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН – БАА: АНИҚ ЙўНАЛИШЛАР БўЙИЧА АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва саноат вазири Суҳайл бин Муҳаммад ал-Мазруий бошчилигидаги делегация таъриф билан мамлакатимизда бўлди.

Таъриф доирасида делегация аъзолари 2 май куни Тошкент шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон — БАА меҳнат форумида иштирок этди. Делегация таркибидан БААнинг қатор вазирилари ва идоралари, Савдо-саноат палатаси, Абу-Даби тараққиёт жамғармаси ва «MASDAR», «EMAAR Properties» компаниялари вақиллари ўрин олган. Жорий йилнинг 19 март куни меҳнат ресурслари бўйича Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ҳамда БАА Инсон ресурслари ва амрлаштириш вазири ўртасида ҳуқуқатлар оҳужат имзоланган эди. Ўзбекистон фуқаролари учун БААда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишда янги имкониятни берадиган шартларни яратиш кўзда туғувчи ушбу ҳужжатга қўша, Бирлашган Араб Амирликлари ўз ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини ташкил этишга қўмақ беради.

Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Шерзод Кудбиевнинг қайд этилишича, Ўзбекистонда БАА меҳнат бозори учун юқори салоҳият ва касбий маҳоратга эга фуқаролар ҳамда сифатли меҳнат ресурсларини етказиб бериш имконияти мавжуд. Мазкур форум меҳнат соҳасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган фаолиятни янада ривожлантириш имконини берадиган муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, БАА Инсон ресурслари ва амрлаштириш вазири ҳамда ҳуқуқий бандлик агентликлари ўртасида ҳамкорлик оид ҳужжатлар имзоланди. Шу кунини делегация аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирилари ва идоралари раҳбарлари билан ҳам учрашди. Унда энергетика, савдо-иқтисодий, инвестициявий соҳалар бўйича амалий ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида бўлиб ўтган учрашувда томонлар икки мамлакат Савдо-саноат палаталари неғизида Ўзбекистон — БАА ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш тақдирини илгари сурди. Мазкур кенгаш икки мамлакат тадбиркорларини ташаббуслари ва қўшма лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ташқи иқтисодий фаолиятга қўмақ бериши кўзда туғди.

Учрашувда, шунингдек, Ўзбекистон

Савдо-саноат палатаси ва Шаржа амирлиги Савдо-саноат палатаси тузилмалари ўртасида ўзаро таъриба алмашинуви йўлга қўйиш, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш бўйича тақдирлар билдирилди.

Куннинг иккинчи ярмида делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи Савдо вазирига бўлди.

Мулоқот чоғида иқтисодий, сармоиявий ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Хизирги кунда юртимизда БАА инвестициялари иштирокида 100 дан зиёд корхоналар фаолият юритиб келмоқда. Улар, асосан, тўқимачилик, курилиш материаллари, мева маҳсулотларини қадқоқлаш, полиграфия, улгуржи савдо, умумий оқватлаш тармоқлари, хизмат кўрсатиш йўналишларида иш олиб бормоқда.

Учрашувда таъкидланганидек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг март ойида БААга амалга оширган расмий таъриф доирасида имзоланган умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд инвестиция қилишувлари мамлакатларимизнинг савдо, иқтисодий, инвестиция, энергетика, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа соҳалардаги амалий алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадбирда мазкур қилишувларни амалга оширишнинг янги имкониятлари кўриб чиқилди.

Нурилло НАСРИЕВ,
Малоҳат ХУСАНОВА,
ЎЗА мухбирлари.

Кун воқеалари қисқа сатрларда

Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси ҳамда Охангарон шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида «Беш ташаббуснинг Охангарон таърибаси» деб номланган тадбир ўтказилди.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан «Ешлар прессклуби»да Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши томонидан «Биз фахрийларимиз билан ғурурланамиз» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Жорий йилнинг 1 майдан бошлаб Банкларо миллий процессинг маркази (БММ) аҳоли учун «Нито» тўлов тизими қарталарини чиқара болади.

И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида чет тилларни ўқитиш ва амалий тилишунослик соҳасидаги долзарб масалаларга бағишланган тўққизинчи халқаро анжуман ўтказилмоқда.

Ушбу жойда **Сизнинг** рекламаниз бўлиши мумкин эди! Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация институти

2018/2019 ўқув йилига кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент ўринларига танлов эълон қилади.

Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотлар факультети бўйича:

- Ижтимоий фанлар кафедраси: катта ўқитувчи;
- Муҳандислик графикаси ва ахборот технологиялари кафедраси: катта ўқитувчи.

Йўл-қурилиш машиналари ва автомобиль транспорти эксплуатация факультети бўйича:

- Йўл-қурилиш машиналари ва жиҳозларни таъмирлаш ва эксплуатация кафедраси: доцент;
- Автомобиль транспорти эксплуатация кафедраси: доцент, ассистент;
- Транспорт логистикаси кафедраси: доцент;
- Транспорт воситалари кафедраси: кафедра мудири;
- Амалий механика кафедраси: доцент, катта ўқитувчи;
- Тиллар кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи.

Танловда қатнашиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:

- ректор номига ариза;
- кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- маълумотнома (объективка);
- диплом ва аттестатлар, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида ҳужжатлар нусхалари;
- малака оширганлик тўғрисида гувоҳномалар нусхалари;
- илмий ишлар ва иштироқлар рўйхати;
- паспорт нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади. Эслатма: мазкур институтда ишловчи широк ўтган мuddат бўйича қатнашда ҳисобга берадилар. Танловда иштирок этувчилар сундов дарица ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқучаси, 20-уй, Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация институти, ходимлар бўлими, 302-хона. Телефон: 71-232-15-29.

AMKODOR **САЛЕО** **AMKODOR - СЕМАШ**

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«AMKODOR», «САЛЕО», «AMKODOR-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар | МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар | занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар | санчкили юклагичлар

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда

галлани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар | гидравлика

Маҳсулот факторланган.

Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17. Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-81.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 59 470 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Манзил: Тошкент шаҳри, 8 март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

ТАЪРИФИ: «Халқ сўзи»даги **Реклама** — **бизнеснинг қўллаб-қувватлағани!**

ТАЪРИФИ: «Халқ сўзи»даги **Реклама** — **бизнеснинг қўллаб-қувватлағани!**

«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 00.15 Топширилди — 00.40

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — О. Файзиёв. Навбатчи — Д. Улуғмуродов. Мухаббатчи — С. Исмолов.